

Шайх Абдулилах Оли Мулла Ал Аҳсаий Саудия Кибор уламолар ҳайъати аъзоси этиб тайинланди



11:07 / 05.09.2024 1538

Ҳанафий уламоларидан бўлган **шайх Абдулилах Оли Мулла Ал Аҳсаий** ҳазратлари Саудия подшоси фармони билан Саудия Кибор уламолар ҳайъати аъзоси этиб тайинланди.

Шайх Абдулилах ҳафизаҳуллоҳ имом Марғинонийнинг «**Ҳидоя**»лари матни «**Бидоятил-мубтади**» китоби манзумаси ҳисобланувчи «**Тухфат ат туллоб**» асари муаллифи аллома Абу Бакр Мулла Аҳсаийнинг зурриётларидан. Уларнинг оилалари Оли Мулла номи билан машҳур бўлиб, Аҳсо асрлар давомида бу оила ҳанафий мазҳаби уламоларини етиштириб келади.

Саудия Кибор уламолар ҳайъатида ҳанафий мазҳаби фақиҳининг бўлиши албатта яхшилик иншааллоҳ.